

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЭШОНЖОНОВ ЖОХОНГИР БАХРОМЖОНОВИЧ

**ЕНГИЛ ЁҒОЧ КАРКАСЛИ ТОМ ЁПМА КОНСТРУКЦИЯСИ,
КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАНЛИК ҲОЛАТИ ВА
ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги ва 05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва
иншоотлар ихтисосликлари туташлигида**

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Эшонжонов Жохонгир Бахромжонович

Енгил ёғоч каркасли том ёпма конструкцияси, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати ва оловбардошлигини ошириш усулларини такомиллаштириш.....5

Эшонжонов Жохонгир Бахромжонович

Напряженно-деформированное состояние покрытий из легкой деревянно-каркасной конструкции и усовершенствования методов повышения огнестойкост.....23

Eshonjonov Jokhongir Baxromjonovich

Improvement of methods for increasing fire resistance and stress-strain state of light wood-frame structures of the coating42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЭШОНЖОНОВ ЖОҲОНГИР БАХРОМЖОНОВИЧ

**ЕНГИЛ ЁҒОЧ КАРКАСЛИ ТОМ ЁПМА КОНСТРУКЦИЯСИ,
КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАНЛИК ҲОЛАТИ ВА
ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги ва 05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва
иншоотлар ихтисосликлари туташлигида**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/2726 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация иши Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fvvakademiya.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раззақов Собиржон Жўраевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муртазаев Кувондик Мустафаевич
техника фанлари доктори, доцент
Ахмадиёров Улугбек Солижонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Тел.: (+99871) 258–56–57, e-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Тел.: (+99871) 258–56–57, e-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.М.Дусматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

Р.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда конструкциявий ва сейсмик хавфсизлик талабларига жавоб берадиган енгил, энергия ва ресурстежамкор, табиий материалли экологик соф қурилиш конструкцияларини яратиш, технологик жиҳатдан қулай ва шу билан бирга замонавий ишлаб чиқариш жараёнларида иқтисодий самарадорлиги мавжуд бўлган инновацион технологияларни қурилиш индустриясига жорий этиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу йўналишда меъморий жиҳатдан манзарали, мустаҳкам, устувор, технологик, қурилиш амалиётида қўллаш имкониятлари қулай бўлган оловбардош ишончли қурилиш конструкцияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда табиий ва экологик соф ёғоч конструкцияларидан тайёрланадиган қурилиш конструкцияларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари жадал олиб борилмоқда. Илмий ва амалий жиҳатдан қаралганда, сейсмик хавфсизликни таъминлаш имкониятини бера оладиган енгил конструкцияларини ишлаб чиқиш, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатларини аниқлашга тадқиқотларни йўналтириш, маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш конструкцияларини яратиш, уларни ҳарорат таъсирига чидамли бўлишини таъминлаш, оловбардошлигини оширувчи таркибларни тадқиқ қилиш, ишлов бериш усулларини такомиллаштириш, ёнғин, авария-қутқарув ишлари жараёнида конструкцияларни бузилишгача бўлган юк кўтариш қобилиятини узайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ҳам бу борада қурилиш саноатини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, энергиятежамкор ҳамда оловбардош конструкцияларни яратиш ҳамда қурилиш амалиётида фойдаланиш имконини берувчи инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «... қурилиш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурлар амалга ошириш,»¹ каби вазифалар белгиланганлигини ва юқори даражада бажарилганлигини эътироф этиш зарур. Мазкур вазифаларни амалга ошириш борасида, жумладан, замонавий турар-жой бинолари қурилиши, конструкциявий ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда конструкцияларни оловбардошлигини ошириш ва амалий-муҳандислик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари, мазкур соҳадаги муҳим вазифалар бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ҳудуди - юқори сейсмик ҳудуд ҳисобланганлиги учун, бинонинг том ёпмасидаги оғир темирбетон конструкцияси ҳисобига зилзила юз берган қисқа вақт мобайнида мажбурий тебраниш частотасини ортиши билан бирга катта миқдордаги динамик-сейсмик куч ҳосил бўлиши, натижада кучли таъсир ҳисобига вайронгарчилик-бузилишлар содир бўлаётганлиги ҳамда моддий ва маънавий талофатлар юзага келаётганлиги масалани давлат

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

аҳамиятига эга эканлигидан далолат беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу талофатларни маълум даражада бартараф этиш учун бино том ва ораёпма сатхларидаги массани камайтириш, самарали усуллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам том ва ора ёпма конструкциялари массаларини камайтириш, енгил ёнувчан қурилиш материаллари ва конструкциялари қўлланилиши муносабати билан оловбардошлиликни таъминлаш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2018 йил 2 апрелдаги ПФ-5392-сонли “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сонли “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сонли “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда қурилиш соҳасида енгил ва энергия тежамкор конструкциялар яратиш ҳамда уларни оловбардошлигини таъминлаш технологиялари бўйича бир қатор олимлар шуғулланган. Ёғоч конструкциялари ҳамда уларнинг оловбардошлигини ошириш бўйича Г.Н.Зубаров, В.Е.Шишкин, И.М.Грин, Р.И.Берген, В.Д.Буданов, И.М.Гусков, Е.В.Фелимонов, В.В.Ермолаев, А.В.Калугин, А.С.Черных, А.В.Власов, С.Г.Веденкин, А.А.Лионович, А.И.Фоломин, Б.В. Копытовский, С.Н. Таубкин, А.А.Берлин, Ю.М. Иванов, В. Ostman, Н.Ваиллерес, К.С. Минскер, Б.Э. Геллер, Н.Н. Ксандопуло, З. Виллард, В.И. Кодолов, Т. Уэда, Е. Иمامура ва бошқа кўплаб хорижий давлатлар олимлари шуғулланиб, ушбу масалалардаги муаммоларни ҳал этиш борасида катта ютуқларга эришганлар.

Республикамизда бу борада, яъни, ёғоч конструкцияларини тадқиқ қилиш, енгил-энергиятежамкор ёғоч конструкцияларини яратиш, уларни бинолар қурилишларида қўллаш ва ёғоч материалларини оловбардошлигини ошириш борасида бир қатор олимларимиз, жумладан, Қ.И.Рўзиев, С.Турсунов, И.Ходжиев, С.Ж.Раззақов, С.Исабоев, К.Р.Бердиев, С.М.Джураев, Б.Т.Ибрагимов, Н.А. Самигов, М.Хамидов, А.Т. Джалилов, С.С. Нигматов, М.М. Содиков, Ф.Н. Нурқулов, Ф.Х. Султонов, Ф.А. Магрупов, Б.А. Мухамедғалиев, М.У. Каримов И. Исмоилов, Р. Болтабоев, И.И. Сиддиқов, М.З. Нурмухамедов, М.А. Курбанова ва бошқалар томонидан изланишлар, самарали илмий-тадқиқотлар олиб борилганлигини ҳамда

амалий аҳамиятга эга илмий натижалар олинганлигини алоҳида қайд этиш лозимдир.

Бизга маълумки, республикамизда биноларни том ва ора ёпма сатҳларида мустаҳкамлиги юқори бўлган ҳамда шу билан бирга оғир темирбетонли плита конструкцияларидан кенг кўламда қурилишларда фойдаланилади. Бунинг натижасида албатта, бинонинг умумий фазовий бикрлиги таъминланади, лекин шу билан бирга конструкциянинг вазни катталиги ҳисобига зилзиладан сейсмик таъсир кучлари ортиб, сейсмик хавфсизликни таъминлаш масалаларига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу муаммоларнинг илмий ечими борасида тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлиги аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти А-14-11 “Ўзбекистонда қурилган ва эксплуатация қилинаётган темирбетон конструкцияли биноларнинг мустаҳкамлик ва деформацияланувчанлик хоссаларига ҳамда узоқ муддатли чидамлилигига ички ва ташқи омилларнинг комплекс таъсирини тадқиқ қилиш, 2015-2017 йиллар” мавзусидаги давлат грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади енгил ёғоч каркасли том ёпма конструкциясини ишлаб чиқиш, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатини экспериментал тадқиқ қилиш ва оловбардошлигини ошириш усуллари тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турар-жой том ёпмалари учун енгил, энергиятежамкор ёғоч каркасли панел конструкциясини ишлаб чиқиш;

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини назарий ҳисоблаш усулини тақомиллаштириш;

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини «Лири ПК» дастури ёрдамида назарий ҳисоблаш ва олинган илмий натижаларни ўзаро таққослаш;

енгил ёғоч каркасли панел конструкцияси моделларини ташқи юкламалар таъсирларига экспериментал тадқиқотлар ўтказиш орқали синаш;

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясининг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатини аниқлаш;

ёғоч каркасли панел конструкциясини оловбардошлигини ошириш устида изланишлар олиб бориш, тадқиқ қилиш ва маҳаллий антипиренлар билан оловбардошлигини ошириш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

экспериментал тадқиқотлар асосида панел конструкциясининг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати бўйича илмий натижалар олиш ва енгил ёғоч каркасли панелларни турар-жой биноларининг ёпмаларида қўллаш ҳамда сейсмик хавфсизликни таъминлаш имкониятини асослаш;

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини назарий ҳисоблаш услубиётига асосланган ЭХМ ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кам қаватли турар-жой биноларининг том ёпмалари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети кам қаватли турар-жой бинолари том ёпмаларини кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати, уларни назарий ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш ва оловбардошлилигини ошириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда моделлаштириш, экспериментал синаш, қурилиш механикасининг классик усуллари, Лира ЭХМ дастурини самарали қўллаш, статистик таҳлил, таққослаш ҳамда оловбардошлилигини оширишда энг мақбул антипиренлардан фойдаланиш каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турар-жой бинолари том ёпмалари учун индустриал ёғоч қобирға ва қоплама конструкцияли янги намунадаги енгил панел конструкцияси ишлаб чиқилган;

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини назарий ҳисоблаш усули таянчдаги нормаль кучланишни учбурчак қонунияти бўйича тарқалишини эътиборга олган ҳолда, с-коэффициент ўрнига, $4/3$ -қийматдаги коэффициент киритиш орқали такомиллаштирилган;

янги турдаги ёғоч панел конструкциясининг термик ва оловбардошлилигини ошириш усули илмий жиҳатдан асосланган ҳамда такомиллаштирилган;

экспериментал тадқиқотлар ёрдамида ёғоч панел конструкциясининг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати аниқланган ва том ёпмаларда қўлланилганда сейсмик хавфсизликни таъминлаши (2-3 баробар) «Лира ПК» дастури ёрдамида назарий ҳисоблаш орқали асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кам қаватли турар-жой биноси том ёпма сатҳидаги горизонтал сейсмик кучлар миқдорини камайиши ҳисобига сейсмик хавфсизликни таъминлаш мақсадида енгил, энергиятежамкор ёғоч каркасли панел конструкцияси ишлаб чиқилган;

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини назарий ҳисоблаш услубиётига асосланган ЭХМ ҳисоблаш дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Стандарт амалдаги усуллардан фойдаланилганлиги, ўлчов асбоблари аниқлик даражаларининг юқорилиги, экспериментал тадқиқотлар натижасида олинган илмий натижалар билан назарий олинган натижаларнинг ўзаро мутаносиблиги, корхоналар томонидан эътироф этилиб амалиётда қўллаш учун қабул қилинганлиги, тадқиқотларда қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти, енгил ёғоч конструкцияли том ёпма панелларининг ҳисоблаш усулининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, енгил ёғоч панел конструкциясини қўллаш орқали сейсмик хавфсизлигини ва энергия тежамкорлигини таъминлаш ҳамда қурилиш жараёнида қурилиш муддатини ҳамда меҳнат сарфини камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Енгил ёғоч каркасли том ёпма конструкцияси, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати ва оловбардошлигини ошириш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши тадқиқотлари бажарилиши билан бирга қуйидагилар жорий қилинган:

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини такомиллаштирилган назарий ҳисоблаш усули “Коммуналтаъмирлойиҳа” МЧЖда жорий қилинган. Натижада ҳисоблаш аниқлиги 95-97 фоизгача ортганлиги учун иқтисодий самарадорликка эришилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2022 йил 26 июлдаги 5/15-1850-сон маълумотномаси, “Коммуналтаъмирлойиҳа” МЧЖнинг 2022 йил 18 февралдаги далолатномаси);

енгил ёғоч каркасли панел конструкцияси, Наманган вилояти “Toshuyjoy LITI” АЖ томонидан лойиҳалаш ишлари жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган. Натижада енгил конструкцияни қўллаш ҳисобига сейсмик хавфсизликни таъминлаш даражаси 2-3 баробарга ортган (“Toshuyjoy LITI” АЖ 2022 йил 05 апрелдаги далолатномаси);

енгил ёғоч каркасли панел конструкциясини ҳисоблаш дастури “Memor Mega Premium” МЧЖда лойиҳалаш ишлари учун жорий этилган. Натижада лойиҳалаш ва ҳисоблаш жараёнларига сарфланадиган вақтни 15% гача тежалишига эришилган (“Memor Mega Premium” МЧЖ 2022 йил 10 майдаги далолатномаси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2022 йил 26 июлдаги 5/15-1850-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, нуфузли хорижий журналда 2та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 4 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар материаллари тўпламларида нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигидан 1 та компьютер дастурига муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация иши тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти, предмети тавсифлари билан келтирилган, Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши асосланган, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти изоҳланган, тадқиқот ишлари натижаларининг амалий ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ва диссертация мавзуси бўйича чоп

этилган илмий нашрлар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар мос равишда келтирилган.

Диссертациянинг **“Қурилиш амалиётидаги энергиятежамкор енгил том ёпма ёғоч каркасли конструкциялар”** деб номланган биринчи бобида, жаҳон ва республика қурилиш амалиётида қўлланилаётган ёғоч конструкциялар, том ёпма конструкциялари ва тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишларнинг аналитик шарҳлари ҳамда ёғоч материалларининг чириш ва оловбардошлигини таъминловчи таркиб тўғрисидаги илмий маълумотлар ҳамда натижалар келтирилган.

Маълумки, ёғоч конструкцияли бинолар экологиклиги, самарадорлиги, иссиқликни сақлашда мақбуллиги ва яхшигина товуш изоляциясига эга эканлиги билан бошқа қурилиш конструкцияларидан ажралиб туради. Уларни тиклаш, ишлов бериш қулай ва осон, оғирлиги эса катта эмас. Шунинг учун ҳам, айниқса, АҚШ, Япония ва Европа мамлакатлари қурилишларида бу соҳада кўплаб лойиҳалар яратилиб қурилишлар бажарилган. Бу борада Австралиянинг Доклендс шаҳрида «CLT»-панеллари ёрдамида қурилган «Forté Building» - 10 қаватли меҳмонхона типига қурилган турар-жой биноси ва Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги 9 қаватли «Stadthaus (юк кўтарувчи деворлари, поли, зиналари ва лифти ёғочдан тайёрланган)» биринчи ўринларда турибди. Шу ўринда, 2023 йилда Швециянинг «CF Moller Architects» компанияси 34 қаватли осмонўпар бинони Швециянинг пойтахти Стокгольм шаҳрида, АҚШнинг Чикаго штатида 42 қаватли минорани офис биноси сифатида қурилиши режалаштирилганлигини ва лойиҳалари яратилганлигини алоҳида эътироф этиш зарурлиги ўрганилди. Қолаверса, қатор мамлакатларда, жумладан, Финляндия, Швеция ва Италия давлатлари ҳудудларида бутун бошли турар-жой массив-кварталлар ёғочдан, ёғоч конструкцияларининг технологик жараёнлари ўрганилди. Тадқиқотлар натижалари, 1 м² ёғоч уйлардаги энергия сарфи 65 кВт/йил, шу жумладан, ғиштли бинолардаги энергия сарфи 130-150 кВт/йил ташкил қилиши ҳам ёғоч конструкцияли биноларни энергия тежамкорлигини кўрсатади (2 баробардан юқори). 2019 йилда Австриянинг Вена шаҳрида қурилган «НоНо Wien», 24 қаватли ёғоч конструкцияли бино барпо этилганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим, Ўзбекистонда ҳам ёғоч конструкцияли бинолар ва иншоотлар қурилиши бўйича етук мутахассис ва тадқиқотчилар инновацион илмий ечимлари билан эришилган тажрибалар мавжуд. Ўрта Осиё микёсида ҳам XIX-XX асрларда ёғоч конструкциялари кенг қўлланилганлигини ва уларни оловбардошлигини тадқиқотлар давомида комплекс ўрганилди.

Ёғоч ва ёғоч қурилиш материалларини оловбардошлигини оширишда ишлатиладиган ўтга чидамли қўшимча таркибига турли хил фосфор, азот, сурьма каби фаол гуруҳларни қўшиб, сиртқи қатламоловбардошлик хоссаларини яхшилаш мумкин. Бундан ташқари оловбардош таркибни суюқ ҳолда ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларига шимдириш йўли билан оловбардошлигини ошириш имкони мавжуд.

Диссертациянинг **“Енгил ёғоч каркасли томёпма конструкциялар ҳисоби ва экспериментал тадқиқ қилиш услубиёти ҳамда кучланганлик-**

деформацияланувчанлиги” деб номланган иккинчи бобида ёғоч каркасли панел конструкция ҳисоблаш услубини такомиллаштириш, экспериментал тадқиқот натижалари ва «Ли́ра ПК» дастури ёрдамида темирбетон плита билан ёғоч каркасли панел конструкциясини ҳисоблаш ҳамда таққослаш натижалари келтирилган. Енгил том ёпма панеллар бир вақтнинг ўзида тўсин, тўшама, ёпма вазифаларини бажаради. Панеллар асосий юк кўтарувчи конструкцияни фазовий бикрлигини таъминлашда ҳам катта аҳамият эга. Улар ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишлардаги ташқи таъсир кучларини қабул қила олади. Лекин умумий ҳолатда эгилишга ишлайди ва горизонтал боғловчи вазифасини ўтайди ҳамда асосий қўллаб-қувватловчи тизим барқарорлигини таъминлайди, 1-2-расм.




1-расм. Томёпма ва ораёпмалар учун инновацион енгил ва энергиятежамкор панел конструкциясининг умумий кўриниши



2-расм. Кам қаватли турар-жой биноси ёпмасида энергиятежамкор панел конструкциясини монтаж жараёни

Биноларнинг ҳарорат даражаси ва томнинг тузилишига қараб, уларни 2 турга бўлиш мумкин: 1) иссиқлик изоляцияси мавжуд плиталар, 3а,б,г-расмлар (ички ҳарорат даражаси мусбат бўлган бинолар учун); 2) иссиқлик изоляцияси мавжуд бўлмаган плиталар, 3в-расм (ички ҳарорат даражаси манфий бўлган бинолар учун).



3-расм. Енгил том ёпма панелларининг турлари: а) - рулонли том ёпма учун иссиқлик изоляцияли қутисимон кўндаланг кесимли панел; б) - қуйи қисми фанера қопламали металл ёки асбестцементли тўлқинсимон листли том ёпмалар учун панел; в) – қобирғали, иссиқлик изоляцияси бўлмаган, юқори қисми фанерали рулонли том ёпма учун панел; г) – юқори қисми ёғоч тахтали, қуйи қисми фанера қопламали том ёпма учун иссиқлик изоляцияли индустриал панел. 1 - фанера қопламаси; 2 - бўйлама қобирғалар; 3 -

изоляция; 4 – букилган картонли ёки асбестцементли том ёпма. 5- ёғоч тахта; 6- бўйлама қобирғалар; 7 – иссиқлик изоляция материали; 8-кўндаланг қобирғалар; 9- рулонли металл тўр, 10x10 мм; 10- куйи фанера қоплама

Панелларда иссиқлик сақлагич сифатида самарали иссиқликни сақловчи материалларни қўллаш мумкин, шу жумладан, базальт асосли ва шиша толали иссиқлик изоляция материаллари, минералпахтали плита, пенопласт ва бошқалар. Томёпма панел кўндаланг кесими кўштавр ёки тавр кўринишидаги оддий тўсин каби ҳисобланади. Бунда қурилиш механикасининг ҳисоблаш усулларидан фойдаланиб, панелнинг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати аниқланади. Уларнинг ҳисобий схемалари қуйидаги 4- ва 5-расмларда келтирилган.



4-расм. Кўштавр кўндаланг кесимли енгил ёғоч том ёпма панелнинг ҳисобий схемаси




5-расм. Тавр кўндаланг кесимли енгил ёғоч том ёпма панелнинг ҳисобий схемаси

Ҳозиргача бу турдаги панелларни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилган, 6-расм: $l_{\text{ҳисобий}} = l_{\text{умумий}} - c$


Панелнинг ҳисобий оралиғини унинг таяниш юза узунлиги бўйича маҳаллий эзилишдаги нормал кучланишни учбурчак қондаси бўйича тарқалиш қонуниятидан келиб чиқиб, қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия қилинади, 7-расм:

$$l_{\text{ҳисобий}} = l_{\text{умумий}} - \frac{4}{3}c \quad (1),$$

бу ерда: $l_{\text{умумий}}$ – панелнинг умумий узунлиги ёки юк кўтарувчи конструкциянинг қадами; $c \geq 5,5$ см – панелни таянч конструкцияга таяниш узунлиги.



6-расм. Деворга таяниш қисмини ҳисоблашларда эътиборга олишни тўртбурчак қонунияти бўйича тақсимланган кўриниш ҳолати: А- таяниш тугунидаги кучланишнинг тарқалиш қонунияти



7-расм. Деворга таяниш қисмини ҳисоблашларда эътиборга олишни учбурчак қонунияти бўйича тақсимланган кўриниш ҳолати: В- таяниш тугунидаги кучланишнинг тарқалиш қонунияти

Кўндаланг кесими кўштавр ёки тавр кесимли панелнинг ҳисобий кенглигини бўйлама қобирға қадами ва панелнинг узунлигини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$l_{\text{мумий}} \geq l_{\text{хисобий}} + \frac{4}{3}c \geq 6a, \text{ бунда } b_{\text{хисобий}} = 0,9 \cdot b_{\text{юқори қоплама}} \quad (2),$$

бу ерда: a – бўйлама қобирғалар оралиғи (ўқлар бўйича); $b_{\text{юқори қоплама}}$ – юқори қопламанинг конструктив кенглиги (ёки қуйи қопламаники, агар юқори қопламаси бўлмаса).

Том ёпма панел эгилишга ишлайди. Бунда нейтраль ўқдан юқори қисми сиқилиш, пастки қисми эса чўзилиш ҳолатида бўлади. Сиқилиш ва чўзилишда геометрик характеристикалар ичида кесим юзаси асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Буралиш, эгилишда, шунингдек, устуворликка ҳисоблашларда эса мураккаброқ геометрик характеристикалар, жумладан, кўндаланг кесимнинг статик моменти, инерция моменти, қаршилик моменти ва бошқалар асосий кўрсаткичлардир. Шу билан бирга том ёпма конструкцияларини енгиллаштириш ва таннархини камайтириш эса, уни энг мақбул шакл ва ўлчамларда лойиҳалашда муҳим ўрин тутати. Битта маълум шаклга эга бўлган юзани ҳисоблашда қуйидаги формула ўринлидир:

$$A^* = \int_A dA \quad (3)$$

Агар ҳисоблаш схемасида кўндаланг кесим юза бир нечта шакллардан иборат мураккаб юзага эга бўлса, ҳисоблашларда уларни чекли юзаларга бўлинади. Бу ҳолда формула қуйидаги кўринишни олади:

$$A^* = \sum_{i=1}^n A_i \quad (4)$$

Келтирилган статик моментни x ва y ўқларига нисбатан ҳисоблашлар қуйидаги формулалар ёрдамида бажарилади. Бунда кўндаланг кесим юзаси энг содда геометрик характеристика ҳисобланиб, y координата тизимини танлашга боғлиқ бўлмайди.

$$\begin{aligned} S_x^* &= \int_A y dA, & S_y^* &= \int_A x dA; \\ S_x^* &= \iint_A y dx dy, & S_y^* &= \iint_A x dx dy; \\ S_x^* &= Ay_c, & S_y^* &= Ax_c \end{aligned} \quad (5),$$

бу ерда: y_c – оғирлик марказидан x -ўқигача бўлган масофа; x_c - оғирлик марказидан y -ўқигача бўлган масофа. Мураккаб кесимнинг қайсидир ўққа нисбатан моменти, барча қисмларни ўша ўққа нисбатан статик моментлари йиғиндисига тенгдир:

$$\begin{aligned} S_x^* &= A_1 y_1 + A_2 y_2 + \dots + A_n y_n = \sum_{i=1}^n A_i y_i; \\ S_y^* &= A_1 x_1 + A_2 x_2 + \dots + A_n x_n = \sum_{i=1}^n A_i x_i \end{aligned} \quad (6)$$

Юқоридаги (6) формулада $A_1, A_2, A_3, \dots, A_n$ – содда элементларнинг юзалари каби белгилашлар киритилган; $x_1, y_1, x_2, y_2, x_3, y_3, \dots, x_n, y_n$ – олинган x ва y – ўқларига нисбатан содда кесим юзаларининг ташкил этувчилари оғирлик марказларининг координаталаридир. Битта шаклдан иборат кўндаланг кесим юзали бўлган ҳолда оғирлик марказининг координаталари қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$x_c = \frac{S_y^*}{A}; \quad y_c = \frac{S_x^*}{A}. \quad (7)$$

Шунингдек, бир нечта шаклли мураккаб кўндаланг кесим юзанинг оғирлик маркази координаталарини куйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$x_c = \frac{S_y^*}{A} = \frac{A_1 x_1 + A_2 x_2 + \dots + A_n x_n}{A_1 + A_2 + \dots + A_n};$$

$$y_c = \frac{S_x^*}{A} = \frac{A_1 y_1 + A_2 y_2 + \dots + A_n y_n}{A_1 + A_2 + \dots + A_n} \quad (8)$$

Кўндаланг кесим юзасининг сиқилишга ишловчи қопламани устуворликка куйидаги (9,10,11) формулалар ёрдамида текширилди:

$$\sigma = \frac{M_{\text{ҳисобий}}}{\varphi_{\text{қоплама}} \cdot W_{\text{х(квл)}}^{\text{юқори}}} \leq R_{\text{қоплама-сиқилиш}} \quad (9),$$

бу ерда: $W_{\text{х(квл)}}^{\text{юқори}} = \frac{I_{\text{квл}}}{h_{\text{плита қалинлиги}} \cdot y_0}$ - панел юқори қопламаси учун кўндаланг кесимнинг қаршилик моменти; $h_{\text{плита қалинлиги}}$ - панел қалинлиги; $R_{\text{қоплама-сиқилиш}}$ - барча ишлаш шароити коэффицентларига кўпайтирилган қопламанинг сиқилишдаги ҳисобий қаршилиги; $\varphi_{\text{қоплама}}$ - сиқилишга ишловчи қопламанинг устуворлик коэффиценти,

$\frac{a'}{\delta_{\text{қоплама-юқори}}}$ нисбат бўйича аниқланади; a' - панел қобирғалари орасидаги очик масофа; $\delta_{\text{қоплама-юқори}}$ - юқори қоплама қалинлиги.

Агар $\frac{a'}{\delta_{\text{қоплама-юқори}}} \geq 50$ бўлса, $\varphi_{\text{қоплама}} = \left(\frac{1250}{\frac{a'}{\delta_{\text{қоплама-юқори}}}} \right)^2$; (10)

ёки $\frac{a'}{\delta_{\text{қоплама-юқори}}} < 50$ бўлганда $\varphi_{\text{қоплама}} = 1 - \frac{\left(\frac{a'}{\delta_{\text{қоплама-юқори}}} \right)^2}{5000}$ (11)

Енгил том ёпма панелни юқори қопламаси кўшимча маҳаллий эгилишга $P_{\text{меъерий}}=1000$ Н тўпланган-йўналтирилган (нуқтага кўйилган) юкламага $n = 1,2$ ишончилиқ коэффиценти билан ҳам текширилади (бўйлама қобирғалар оралиғида). Бунда ҳисобий кенглик $b_{\text{қоплама-юқори}}^* = 1,0$ м қиймат қабул қилинади. Текшириш куйидаги формула ёрдамида бажарилди.

$$\sigma = \frac{M}{W} = \frac{M_1}{W_{\text{қоплама-юқори}}} \leq R_{\text{қоплама-эгилиш}} \quad (12),$$

бу ерда: $M_1 = \frac{P \cdot a}{8}$

$P = P_{\text{меъерий}} \cdot n$

$W_{\text{қоплама юқори}}^* = \frac{b_{\text{қоплама-юқори}}^* \cdot \delta_{\text{қоплама-юқори}}^2}{6}$ - маҳаллий юкламага ҳисоблаш

учун кенглиги 1 метр бўлган юқори қопламани қаршилик моменти. Нейтраль қатлам бўйича бўйлама қобирғалар, қобирғалар оралиғидаги ва қопламадаги елимли чоклар эгилишдаги ёрилишга куйидаги формула ёрдамида текширилди:

$$\tau = \frac{Q \cdot S_{\text{х(квл)}}}{I_{\text{квл}} \cdot b_{\text{ҳис.қобирға}}} \leq R_{\text{ёрилиш}} \quad (13),$$

бу ерда: $Q = \frac{q_{\text{хисобий}}}{2}$ - хисобий кўндаланг куч;

$S_{x(\text{квл})} = S_{\text{қоплама-юкори}} + b_{\text{қобирға-квл}} \cdot \frac{(h_{\text{уш}} - y_0 - \delta_{\text{қоплама-юкори}})^2}{2}$ -нейтраль ўққа

нисбатан панел кўндаланг кесимининг силжийдиган қисми статик моменти; $R_{\text{ёрилиш}}$ - барча ишлаш шароити коэффициентлари кўзда тутилган ёғоч ёки қопламанинг эгилишдаги ёрилишга хисобий қаршилиги. Панелни силжишдаги деформацияланишини хисобга олган ҳолда эгилишга текширилиши керак. Кўндаланг эгилишнинг қиймати қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланди:


$$f = \frac{f_0}{k} \cdot \left[1 + c \cdot \left(\frac{h_{\text{уш}}}{l_{\text{хисб}}} \right)^2 \right] \quad (14),$$

бу ерда: $f_0^{\text{тарқ.}} = \frac{5}{384} \cdot \frac{q_{\text{меъерий}} \cdot l_{\text{хисб}}^4}{0,7 \cdot E_{\text{ёғоч}} \cdot I_{\text{квл}}}$ ёки $f_0^{\text{тўп.}} = \frac{23}{1296} \cdot \frac{p l^3}{E_{\text{квл}} \cdot I}$

$Q_{\text{меъерий}}$ - панелга тушадиган меъерий умумий юкламанинг нормаль ташкил этувчиси; k - эгилувчи элемент кесим баландлиги ўзгарувчанлигини хисобга оладиган коэффициент, доимий баландлик бўлганда $k = 1,0$; $c = (45,3 - 6,9 \div \beta) \cdot \gamma$ - уринма кучланишларни эгилиш қийматига таъсирини хисобга оладиган коэффициент; β - плита кўндаланг кесим баландлиги ўзгарувчанлигини эътиборга оладиган коэффициент, доимий баландлик бўлганда $\beta = 1,0$; $\gamma = \frac{b_{\text{хисб}} (\delta_{\text{қоплама-юкори}} + \delta_{\text{қоплама-қуйи}})}{b_{\text{қобирға-квл}} \cdot h_{\text{қобирға}}}$; k, c, β, γ - коэффициентлар, шарнирли таянч ва чизиқли текис тарқалган юкламали ҳамда доимий баландликка эга қўштавр кесим учун жадвал асосида аниқланади.

Панелнинг нисбий эгилиши қуйидагича аниқланади - $f/l, \left[\frac{f}{l} \right] = \frac{1}{250}$ рухсат этилган қийматдан кичик бўлган ҳолларда, бикрлик талаби бажарилган хисобланади.


Экспериментал тадқиқотлар натижалари. 300x1500 мм ўлчамдаги намуналарда экспериментал синовлар ўтказилди. Синаш ишлари Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот лабораториясида ДАСТ 33120-2014 меъёр ва қоидалари асосида ўтказилди ва илмий натижалар олинди. Ёғоч панелга юкламани махсус ишлаб чиқилган стенд ёрдамида амалга оширилди, 8-расм.



8-расм. Ёғоч конструкцияли панел моделини синаш жараёни: а) юк бериш схемаси; б) юк бериш жараёни


Эксперимент ўтказиш жараёнида таянчлардаги эзилишни ҳисобга олиш учун 0,01 мм аниқликдаги соат типдаги индикаторлар ва солқиликларни аниқлаш учун аниқлиги 0,1мм бўлган прогибомерлар ёрдамида аниқланди. Максимал эгувчи моментнинг қиймати панелнинг ўрта қисмида юқори бўлганлиги сабабли, эгилишни ҳисоблаш учун «прогибомерлар» панелни максимал эгувчи момент ҳосил бўладиган текислигига ўрнатилган.

Панел ташқи юкламалар билан юкланишдан олдин, синов ускунасининг оғирлиги ҳисобига қўшимча эгилмаслиги ва эгилиш регистрациясини тизимли олиш учун қўшимча таянч қўйилди, 9-расм.



9-расм. Синаш жараёни: а) юкланишдан олдинги ҳолат; б) юкланишдан кейинги ҳолат


Юк остида ёғоч каркасли панелларда солқиликлар куч қийматига мос ҳолда ортиб бориши кузатилди, яъни, кичик юкларда солқиликлар деярли тўғри чизик қонунияти билан ортиб борган бўлса, ташқи юк ортиши билан деформацияланиш жараёнини кескин ортиши кузатилди. Тажрибада аниқланган солқиликлар миқдори назарий ҳисобланган қийматлар билан таққосланди. Ёғоч каркасли панеллардаги эксперимент ва назарий (ҳисобий) солқиликларнинг натижалари 10-расмда келтирилган.



10-расм. Панелларда солқиликнинг таъсир этаётган кучга боғлиқлик графиги: а) 1 серия намуна панеллардаги; б) 2 серия намуна панеллардаги


Энгил ёғоч каркасли панел конструкцияси ҳамда темирбетон плиталар қўлланилган турар-жой биносининг сейсмик кучлар таъсирида ишлаши чекли элементлар усули ёрдамида таҳлил қилишга асосланган замонавий «Ли́ра ПК» дастури ёрдамида ўрганилди. «Ли́ра ПК» дастури таъминотида аниқланган натижаларга кўра, сейсмик куч таъсирида темирбетон плиталар қўлланилган турар-жой биносидаги кучланиш $0,0057 \text{ кН/см}^2$ ни ташкил этди. Ёғоч каркасли панелли бинодаги кучланиш эса $0,00303 \text{ кН/см}^2$ бўлиши аниқланди. Шу жумладан, бино деворларидаги нормал кучланишлар ва

кўчишлар ҳисобланди. Қуйидаги 11-12-расмларда ҳисоблаш натижалари келтирилган.




11– расм. Сейсмик куч таъсирида темирбетон плитали бинодаги кучланишлар ҳосил бўлишини умумий кўриниши

Ёғоч каркас панелли бинолардаги кучланишларнинг темирбетон плиталар қўлланилган турар-жой бинолардаги кучланишларга нисбатан камида 2 баробар кичиклиги ёғоч каркасли панелли биноларнинг сейсмик хавфсизликни таъминлашдаги аҳамиятини кўрсатади.




12–расм. Сейсмик куч таъсирида ёғоч панелли бинодаги кучланишлар ҳосил бўлишининг умумий кўриниши

Турар-жой бинолари томёпмаларида қўлланилган кўп бўшликли темирбетон плита ва ёғоч каркасли панел конструкциясидан сейсмик куч таъсирида ҳосил бўлган бинодаги кўчиш: темирбетон плиталар қўлланилган турар-жой бинодаги кўчиш 24,8 мм ни, ёғоч каркасли панелли бинодаги кўчиш эса 12,6 мм ни ташкил этди, 13-14-расмлар.




13-расм. «Ли́ра ПҚ» дастури ёрдамида хисобланган турар-жой биноларида ҳосил бўладиган кучланиш диаграммаси




14-расм. «Ли́ра ПҚ» дастури ёрдамида хисобланган турар-жой биноларида ҳосил бўладиган кўчиш диаграммаси

Тадқиқотлар давомида «Ли́ра ПҚ» дастурида, таклиф этилган ёғоч панел намуналарини моделлаштириш орқали кучланганлик деформацияланувчанлик ҳолати ҳам ўрганилди ва илмий натижалар олинди. Бунда, панелларга таъсир этаётган юк 0,50 кН бўлганда, максимал кучланиш $0,416 \text{ кН/см}^2$ га, 1,00 кН бўлганда максимал кучланиш $0,814 \text{ кН/см}^2$ га, 1,50 кН бўлганда максимал кучланиш $1,21 \text{ кН/см}^2$ га, 2,00 кН бўлганда максимал кучланиш $1,61 \text{ кН/см}^2$ га тенг бўлиши аниқланди. Ёғоч панел намуналаридаги кучланишлар қуйидаги 15-16-расмларда келтирилган.



15-расм. Ёғоч каркасли панелнинг 0,50 кН юк таъсиридаги кучланиш ҳолати



16-расм. Ёғоч каркасли панелнинг 1,00 кН юк таъсиридаги кучланиши ҳолати


Диссертациянинг “**Енгил ёғоч каркасли томёпма конструкциялар оловбардошлилигини ошириш усуллари ҳамда ёнғинга қарши чоралар**” деб номланган учинчи бобида ёғоч каркасли панел конструкцияни оловбардошлилигини таъминлаш ва ошириш усуллари ҳамда антипиренлар билан ишлов бериш, оддий ва антипирен билан ҳимояланган ёғоч материаллари устида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар ҳамда таққослаш натижалари келтирилган. Турар-жой биноларида содир бўладиган ёнғин ҳозирги кунгача энг долзарб муаммолардан биридир. Бу иқтисодий жихатдан зарар келтириш билан бирга инсонлар ҳаёти учун ҳам хавфли омиллардан биридир. Ёнғин хавфини камайтириш учун турар-жой биноларида, оловбардошлилиги юқори даражада бўлган материаллардан таркиб топган қурилиш конструкцияларини ёки оловбардошлилиги паст бўлган қурилиш материалларга махсус антипиренлар билан ишлов берилиб, таклиф этилаётган қурилиш конструкцияларининг олов ва термикбардошлилигини оширишга эришилди.

Панел ёғоч материалларининг оловбардошлилигини ошириш бўйича махсус ёнғин-техник лабораторияларда кетма-кет тажрибалар ўтказилди ва хулосалар олинди. Тажрибалар ўтказиш жараёнида махсус кенг қўлланилаётган АДЖ ҳамда чет элда ишлаб чиқарилган Вудракс антипиренларини ёғоч материалларига шимдириш орқали уларни оловбардошлилигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказилди ва самарали натижалар олинди эришилди. Тажриба ўтказиш “ДАСТ 16363-98” га асосан амалга оширилди, 17-расм.



17-расм. Намуналарни оловбардошлилигини ошириш бўйича тажриба синовлари жараёни: *а)* Ёғоч намуналар; *б)* Намуналарни қуритиш жараёни; *в)* Тажриба синовидан кейинги намуналарнинг кўриниши

Тажриба синовлари натижаларидан намуналарда ўртача масса йўқолиши С-1 намуналарда 14,8%ни, С-2 намуналарда 12,9 %ни, С-3 намуналарда 12,1 %ни, АДЖ намуналарда 6,0 %ни ва антипирен билан химояланмаган намуналарда эса 62,02 %ни ташкил этди. Антипирен билан химояланган ёғоч материалли намуналар химояланмаган ёғоч материалли намуналарга қараганда 10-20% масса йўқотиши, камайиши аниқланди, 18-расм.



18-расм. Намунанинг масса йўқотиш диаграммаси

Диссертациянинг **“Техник-иқтисодий жиҳатлари ва самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида турар-жой биноларининг томёпмаларида қўлланиладиган ёғоч каркасли панел конструкцияни ҳамда темирбетон плиталарни иқтисодий самарадорлигини таққослаш натижалари келтирилган.

Енгил ёғоч каркасли панел конструкциясининг ишлаб чиқариш технологик жараёнининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари: биринчидан, панел конструкциясининг материали(ёғоч)ни табиатни ўзи етиштиради; иккинчидан, унга ишлов бериш осон, яъни, ортиқча меҳнат ва қўшимча асбоб-ускуналардан фойдаланиш талаб этилмайди. Айниқса, ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бўлган энергиятежамкорлик масаласига тўла ечим беради. Ёғоч материалларининг иссиқлик ўтказувчанлиги бошқа кўп конструкция материалларидан паст бўлганлиги сабабли, ёғоч конструкцияли биноларда мўътадил иқлим шароитини таъминлаш учун энергия сарфи кўп талаб этилмайди.

ХУЛОСА

“Енгил ёғоч каркасли томёпма конструкцияси, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати ва оловбардошлигини ошириш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Енгил энергиятежамкор том ёпма панел конструкцияси ҳисобий узунлигини аниқлашда, панелни асосга таянишида ҳосил бўладиган маҳаллий эзилиш эпюрасини тўртбурчак қонунияти билан эмас, балки учбурчак қонунияти бўйича тарқалишини эътиборга олишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий жиҳатдан асосланди. Бунда, ҳисобий узунликни

hozirgacha qullanilgan $I_{\text{хисобий}} = I_{\text{умумий}} - \epsilon$ формуласи urniga,
 $I_{\text{хисобий}} = I_{\text{умумий}} - \frac{4}{3}\epsilon$ формуласи kiritildi.

2. Xisoblashlarda panel xisobiy uzunligi qiymatini kamayishi, eguvchi momentni kamaytiradi va panel kundalang kesim yuzasini eng maqbul variantda tanlanishiga olib keladi. Bu uz navbatida iqtisodiy jihattan materiallar sarfini 12-15 foizgacha kamayishiga olib keliishi va samaradorligini ta'minlanishiga xizmat qiliishi aniqlandi.

3. Kam qavatli (2-kategoriyaga mansub), shu jumladan, yakka tartibdagi turar-joy binolari tom epmalari uchun mustahkamligi ta'minlangan energiyatejamkor engil egoch karqasli panel konstruktsiyasi ishlab chiqildi va uni qurilish amaliyotida qullashga tavsia etildi. Bunda, ya'ni, engil egoch konstruktsiyali panelni qurilishda qullanilishi xisobiga zilzila paytida hosil buladigan barqa yunaliashdagi seysmik kuchlarni miqdori kamayishi xisobiga (ogir temirbeton plitaga nisbatan) seysmik xavfsizlikni ta'minlanish darajasini urtacha 2-3 barobar oртиши aniqlandi. Engil egoch konstruktsiyali panelarni tom epmada qullanilishi xisobiga tom qismi orqali issiklikni yuqotilishi kamaydi (xonadagi issiklikni yuqotilishi eshik va deraza "proemlar" hamda tom epma qismiga tu'gri keladi). Bu esa uz navbatida energiyatejamkorlikning oshishiga xizmat qiliishiga erishildi.

4. Qurilish-montaj ishlarida standart engil panelarni qullanilishi xisobiga qurilish ishlarini texnologik jihattan bajarilish samaradorligi ortadi. Bu esa uz navbatida qurilish ishlarini bajarilish muddatini 20 foizgacha kamayishiga xizmat qiladi. Shuningdek, engil panel konstruktsiyasini qullanilishi bilan tashish va qurilish montaj ishlaridagi transport xarajatlari ham kamaydi, shu jumladan, qurilish смета narhini 20-22 foizgacha kamayishiga olib keladi. Konstruktsiyalarni engilligi xisobiga, bino sathlaridagi seysmik kuchlar miqdori kamaydi, bu bilan zilzila yuz berganda insonlar haet xavfsizligini ta'minlanish darajasining ortishi (2-3 barobar) ilmiy jihattan asoslandi.

5. Yuqozilgan tadqiqotlar va ta'hlillar shuni kursatdiki, engil egoch panel konstruktsiyalarining olovbardoshligini oshirishning eng samarali amaliyotda qullash usullari sifatida – antipirenni shimdirish (zavod sharoitida), surtish va sepiش usullari (qurilish maydonida) tavsia etildi. Qurilish maydoni sharoitida antipirenni surtish va yuquniy ishlov berishda sirtga sepiش - kompleks usuli samarali ekranligi aniqlandi. Bu uz navbatida qurilish ishlab chiqarish jarayonini tezlashtirishga va engindan himoyalashga samarali xizmat qiladi.

6. Mahalliy xomashё asosida olingan antipirenlar bilan olovbardoshlilik davr muddati oshirilgan egoch materiallaridagi tarqalishi, oddiy egoch materiallariga nisbatan olov tarqalish indeksiga nisbatan 30% gacha kamayishi mumkinligi aniqlandi. Maxsus ishlov berilgan АДЖ antipirenlarini qullash bilan egoch karqasli panel

конструкциясини оловбардошлигини ошириш ҳамда сирт юзасида олов тарқалиш индекси, тутун ҳосил қилиш коэффициенти комплекс ўрганилиб ижобий илмий натижалар олинди. Бу қуруқ-иссиқ иқлим шароитларида мазкур маҳаллий антипиренни қўллаш имкониятини беради.

7. «Лира ПК» дастурий таъминоти, том ёпма конструкцияси ёғоч панел ҳамда темирбетон плиталар бўлган турар-жой биносини моделлаштириш орқали сейсмик кучлар таъсирида бинонинг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати ва кўчишларини аниқлаш имконини берди. Бунда, сейсмик куч таъсирида темирбетон плиталар қўлланилган турар-жой биносидаги кучланиш $0,0057 \text{ кН/см}^2$, ёғоч каркас панелли бинодаги кучланиш эса $0,00303 \text{ кН/см}^2$ бўлиши аниқланди (кучланишни 2 баробар камайиши кузатилди).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ЭШОНЖОНОВ ЖОХОНГИР БАХРОМЖОНОВИЧ

**НАПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРОВАННОЕ СОСТОЯНИЕ ПОКРЫТИЙ
ИЗ ЛЕГКОЙ ДЕРЕВЯННО-КАРКАСНОЙ КОНСТРУКЦИИ И
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДОВ ПОВЫШЕНИЯ
ОГНЕСТОЙКОСТИ**

**05.10.02 – Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность**

05.09.01 - Строительные конструкции, здания и сооружения

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/T2726.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.akademiyafov.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Раззаков Собиржон Жураевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Муртазаев Кувондик Мустафаевич**
доктор технических наук, доцент
Ахмадиёров Улугбек Солижонович
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится 29 ноября 2022 года в 10:00 часов на заседании разового научного совета на базе Научного Совета PhD.40/30.12.2020.T.129.01 по присуждению ученых степеней при Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан (Адрес: 100102, г.Ташкент, Янгихаётский район, ул. Дустлик, 5. Тел.: (+99871) 258-56-57, e-mail: info@akademiyafov.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (зарегистрирована за №8) (Адрес: 100102, г.Ташкент, Янгихаётский район, ул. Дустлик, 5. Тел.: (+99871) 258-56-57).

Автореферат диссертации разослан “_____” _____ 2022 года.
(реестр Протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

Б.Т.Ибрагимов
Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.М.Дусматов
Научный секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, к.х.н., доцент

Р.И.Исмаилов
Председатель Разового научного семинара разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с каждым годом развивается объем исследований по созданию легких, энерго- и ресурсоэффективных, экологически чистых строительных конструкций из природных материалов, отвечающих требованиям конструкционной и сейсмической безопасности, технологически удобных и в то же время экономически эффективных к внедрению инновационных технологий в современных производственных процессах в строительной отрасли. В этом направлении важно создавать архитектурно выразительные, прочные, устойчивые, технологичные и огнестойкие надежные конструкции, удобные для использования в строительной практике.

Сегодня в мире интенсивно ведутся научно-исследовательские работы, направленные на исследование строительных конструкций из природных и экологически чистых деревянных конструкций. С научной и практической точки зрения разработка легких конструкций, способных обеспечить сейсмическую безопасность, исследования направленные на определение напряженно-деформированного состояния, создание строительных конструкций с учетом местных условий, обеспечение их устойчивости к температурным воздействиям, исследование огнестойких составов, совершенствование методов обработки, а также особое внимание уделяется вопросам увеличения несущей способности конструкций вплоть до разрушения при проведении ремонтных, пожарных и аварийно-спасательных работ.

В нашей Республике особое внимание уделяется развитию строительной промышленности и производства, созданию энергосберегающих и огнестойких конструкций, инновационных технологий дающих возможность внедрению в строительную практику. В Стратегии действий по развитию Узбекистана предусмотренных на 2017-2021 годы поставлены задачи "...осуществить целевые задачи по развитию и модернизации строительства, дорожно-транспортные и инженерные коммуникации, а также социальной инфраструктуры"¹. Следует отметить что для осуществления этих задач наиболее важными являются строительство современных зданий наряду с обеспечением конструкционной и сейсмической безопасности, повышение огнестойкости конструкций, а также усовершенствование практических и инженерных расчетов. Так как территория Узбекистана считается зоной повышенной сейсмичности, из-за тяжелой железобетонной конструкции на покрытиях зданий, за короткий промежуток времени при землетрясении, образуется большая динамическая - сейсмическая сила, где с увеличением частоты вынужденных колебаний, из-за сильного удара происходит разрушения и повреждения, а также материальные и моральные ущербы,

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

свидетельствующие о том, что проблема имеет государственное значение. Эффективным способом устранения этих ущербов является снижение массы зданий на уровне перекрытий и покрытий. В связи с применением легких стораемых строительных материалов и конструкций наиболее важное значение имеет обеспечение огнестойкости этих материалов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и УП-5392 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере строительства» от 2 апреля 2018 года, Постановлением ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», в Указе УП-144 от 30 мая 2022 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности Республики Узбекистан», Постановлением Кабинета Министров «Об утверждении правил пожарной безопасности» от 20 октября 2020 года, а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан - II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросами создания легких энергосберегающих конструкций в строительстве, а также технологиями обеспечения огнестойкости занимались ученые Узбекистана и других зарубежных стран.

